

# Куч-адолатда

Ал ила олам юзин обод қил

2021 йил  
5 март,  
жума  
№ 9 (834)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ ВИДЕОАНЖУМАН ШАКЛИДА ЎТҚАЗИЛГАН 14-САММИТИДАГИ НУТҚИ

**Мухтарам раис Режеп Таййип Эрдоган Жаноби Олийлари! Хурматли Давлат ва Ҳукумат Раҳбарлари! Хурматли бош котиб Сулаймонпур Жаноблари!**

Аваллаб, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти Саммитининг барча иштирокчиларини самимий қутлашга ижозат бергайсиз. Хурматли Президент Эрдоган Жанобларига пандемия шароитига қарама-қарши ташкилотга самарали раислик қилгани ва анжумани юқори даражада ташкил этгани учун чуқур миннатдорлик изҳор этаман.

Пандемия даврида КОВИД-19 касаллигига қарши курашишда кўрсатилган салмоқли ёрдам учун турк дўстларимизга ва шахсан Эрдоган Жанобларига ўз миннатдорлигини билдираман. Бугун раислик навабати Туркманистонга ўтиши муносабати билан хурматли Президент Гурбангули Млякигулиев Бердимухамедовни чин дилдан табриқлайман.

Ва албатта, яхши ният қиламизки,

навабатдаги Саммитда, Ашхобод шаҳрида кўришиш ҳаммамизга насиб қилсин.

**Хурматли йигилиш иштирокчилари!**

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти худуди — бу тарихи, дини, маданияти ва қадриятлари муштарак, улкан имкониятларга эга бўлган умумий минтақа.

Дўст давлатларимизни азалдан ўзаро хурмат ва ишонч муҳити, савдо ва транспорт-коммуникация алоқалари чамбарчас боғлаб туради.

Бугунги саммитимиз "Ковид-19 дан кейинги даврда минтақавий иқтисодий ҳамкорлик" мавзусида ўтказилганда чуқур маъно мужассам.

Чунки, глобал иқтисодиётга салбий таъсир кўрсатаётган пандемия, давлатларимизни ҳам четлаб ўтмади.

Бу офат кучли ва заиф томонларимизни, бир-биримизга нақадар боғлиқ эканимизни, иқтисодий шерикликни янада мустаҳкамлаш заруратини яққол кўрсатди.

Дунёда технология ва ресурслар,

сармоялар, ташқи бозорларга чиқиш учун рақобат кучайиб бораётган ҳозирги кунда, куч ва салоҳиятларимизни бирлаштириш, иқтисодиётларимизнинг тўлдирувчи омилларидан кенг фойдаланишимиз муҳимдир.

Аммо шуни айтиб ўтиш керакки, Ташкилотимиз худудидида мавжуд савдо-иқтисодий, молиявий, сармоявий, транспорт-логистика ва энергетика имкониятлари тўлиқ ишга солинмаяпти.

Шу боис, "Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти — 2025" дастурининг асосий йўналишлари бўйича кўп томонлама шерикликни янада кенгайтириш мақсадида кўйидаги тақлифларни илгари сурмоқчиман.

**Биринчидан**, иқтисодий ўсишнинг асосий драйвери — ҳеч шубҳасиз, савдо ва инвестиция алоқаларини кучайтиришидир.

Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг аъзо давлатлар билан умумий савдо айланмаси салкам икки баробарга ўсди. Ўтган йил мураккаб вазиятга қарамадан, бу ҳажмларни сақлаб

қолишга эришдик.

Биз, Ташкилотга аъзо мамлакатлар томонидан карантин даврида ўрнатилган савдо ва транспорт чекловларини бартараф этиш вақти келди, деб ҳисоблаймиз.

Ўйлаётганимиз, рақамли технологиялар ва электрон тижоратни кенг жорий этиш савдо алоқаларимизни сезиларли равишда энгиллаштиради.

Шу маънода, Туркия илгари сураётган Савдога кўмаклашиш бўйича битимни қўлишиш ва қабул қилишни тезлаштириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

**Иккинчидан**, "Бир-бирини тўлдирувчи нуқталарни топиш" тамойили асосида саноат кооперациясини ривожлантириш халқароликнинг умумий фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Бу муҳим режани амалга ошириш учун аниқ йўналиш ва лойиҳаларни қамраб олган қўшма "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқиши мақсада мувофиқ, деб биламиз.

(Давоми 2-бетда) ▶

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИХТ ДОИРАСИДАГИ КЎП ҚИРРАЛИ ШЕРИКЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАШАББУСИНИ ИЛГАРИ СУРАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 март куни Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг (ИХТ) видеоанжуман шаклида ўтган 14-саммити ишда иштирок этди.**

Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоган раислигида ўтган тадбирда Афғонистон Президенти Ашраф Фани, Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев, Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон, Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов, Эрон Президенти Ҳасан Рухоний, Қирғизистон Президенти Саидир Жапаров, Қозоғистон Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев, Покистон Бош вазири Имрон Хон, шунингдек, ИХТ бош котиби Ҳади Сулаймонпур, минтақавий тузилмалар раҳбарлари ҳам иштирок этди. Саммит кун тартибига мувофиқ COVID-19 пандемиясидан кейинги даврда ушбу нуфузли ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги амалий ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти худуди — бу тарихи, дини, маданияти ва қадриятлари муштарак, улкан салоҳиятга эга бўлган минтақа эканини алоҳида таъкидлади.

(Давоми 2-бетда) ▶



**Ба**ҳорнинг нақ қунарида хотин-қизлар байрамининг нишонланшида ажиб рамзий маъно бор. Баҳор аёлларимизга, аёлларимиз баҳорга ўхшайди — бири бирдан гузал.

Ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади. Шу жиҳатдан юртимиз дунёда ўзинга хос ўрнига эга десак, хато бўлмайди.



## АЁЛ — ЭЪЗОЗ ВА ЭЪТИБОРГА ЛОЙИҚ ЗОТ

Шунинг учун ҳам мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, улар учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитини яратиш бериш, қобилият ва салоҳиятини рўёбга чиқариш масаласи юртимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Шу асосда оналик ва болаликни ҳимоялаш, оила институтини қўллаб-қувватлаш, аёлларнинг оғирини энгил қилиш, уларнинг жамият ҳаётидаги нуфузини ошириш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

Мўътабар аёл зоти ҳақида сўз

юритар эканмиз, Она сиймоси кўз ўнгимизда гавдаланади. Муқаддас деган сўзга энг муносиб зот эса, бу — аввало, Онадир. Халқимиз она сиймосини доимо улуғлаб, ардоқлаб яшайди.

Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, **биз Она тимсолида Ватанимизни, унинг гузал ва бетакор қиёфасини кўраемиз.** "Она Ватан" деган ибора бежиз айтилмаган, бунда чуқур маъно бор.

Аёлни эъзозлаш, аёлга эҳтиром кўрсатиш халқимизга хос олижаноб қадрият ҳисобланади. Биз, барчамиз

қандай касб, қандай лавозимда ишламайлик, қалбимиз, юрагимиздаги жамики эзгу фазилатлар учун сиз, меҳрибон аёллардан умрбод қарздормиз.

Бугунги кунда Ўзбекистон хотин-қизлари ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида ўзларини тўла намён этиб келмоқда.

Давлат ва бошқарув идоралари, вакилик органларида, ишлаб чиқариш, тадбиркорлик ва фермерлик тармоқларида, ижтимоий соҳаларда самарали меҳнат қилиб, Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Айни пайтда фаол гендер сиёсати доирасида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий мавқеини мустаҳкамлаш бўйича кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеяси 75-юбилей сессиясида қайд этганидек, **"Биз учун гендер тенглик сиёсати устувор масалага айланди. Хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ўрни тобора кучаймоқда. Янги Парламентимизда аёл депутатлар сони икки баробарга кўпайди"**.

(Давоми 3-бетда) ▶

### Ҳушхабар

## Ўзбекистондаги суд ислохотлари Index of Economic Freedom 2021 йилги ҳисоботида эътироф этилди

**Халқаро инвестор ва тадбиркорлар учун халқаро рейтинг ҳамада индексларнинг аҳамияти муҳимлигидан келиб чиқилса, ҳар бир давлат учун ушбу кўрсаткичларда юқори поғоналарни эгаллаш кун тартибидидаги асосий масала ҳисобланади.**

Мерос жамғармаси (The Heritage Foundation) томонидан юритилган Иқтисодий эркинлик индексининг Суд фаолияти самарадорлиги (Judicial Effectiveness) индикатори бўйича 2021 йилда Ўзбекистон 52 поғонага юқорилаб, мазкур рейтингда кескин ўсишни қайд этди.

Мамлакатимиз 2020 йилда Суд фаолияти самарадорлиги индикаторида 34,2 балл билан 126-ўриндан жой олган бўлса, 2021 йилда ўз балларини 50,8 га етказиб, 74-ўринни эгаллади.

Суд фаолияти самарадорлиги индикаторининг баҳолаш методологияси баҳоланётган мамлакатдаги суд жараёнларининг сифати, судларнинг мустақиллиги, суд қарорларини олишда фаворитлик кўрсаткичларига асосланади.

Суд фаолияти самарадорлиги индикаторидаги ушбу юксалиш мамлакатнинг Иқтисодий эркинлик индексидаги умумий ўрни 2020 йилдаги 114-ўриндан (57,2 балл) 2021 йилда 108-ўринга (58,3 балл) кўтарилишига ҳисса қўшди.

(Давоми 4-бетда) ▶

### Бағрикенглик

## Олий судда маҳкума аёллар озодликка чиқарилди

**Аёлни дунёдаги энг юксак сифатлар билан улуғласак ярашади. Ахир, у она, мунис она-сингал, меҳрибон қиз. Улар зиммаларидаги вазифаларини бор меҳри билан бажарётгани учун ҳам ҳаёт давом этмоқда.**

Бироқ аёллар орасида адашган, қинғир йўлларга кириб қолганлари ҳам йўқ эмас. Инсонийлик қадрияти эса, адашгани кечириб, унинг тўғри йўлга тушиб олишига имкон беришни тақозо қилади. Бу ҳусусият эса, айнан халқимизга хос.

Турли сабаблар билан жиноят йўлига кириб қолганлар,



айниқса, хотин-қизларга ана шундай бағрикенглик тамойили мунтазам қўлланиб келинмоқда.

Олий судда оғир, ўта оғир жиноятларни содир этиб, турли муддатларга озодликдан маҳрум этилган 16 нафар маҳкума аёлнинг кассация тартибидида берган шикоятлари кўриб чиқилди.

Олий суд раисининг ўринбосари Икром Муслимов раислигида бўлиб ўтган очик

суд мажлисларида ҳар бир аёлнинг кассация тартибидида берган аризаси қонун доирасида батафсил ўрганилди.

Маҳкума аёллар жазонинг асосий қисмини ўтагани, қилмишидан чин кўнгилдан пўшаймонлиги, жазони ўташ жараёнида ўзининг ижобий жиҳатларини намён этиб, муассаса раҳбариятининг ташаккурномасини олгани эътиборга олинди.

(Давоми 3-бетда) ▶

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ 8 МАРТ – ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда азиз ва мўътабар аёл зотини улуғлаш, опасингилларимизнинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ва нуфузини ошириш, ўзининг кўп йиллик самарали меҳнати, бой амалий тажрибаси билан оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш, фарзандларимизни она Ватанга муҳаббат, миллий ва умминсоний қадриятларга хурмат руҳида тарбиялаш ишларига катта ҳисса қўшаётган хотин-қизларимизни муносиб қадрлаш мақсадида ҳамда юртимизда олиб борилаётган тўб ислохотларда фаол қатнашиб, янги Ўзбекистонни барпо этиш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш йўлида ташаббус ва ибрат кўрсатиб келаётгани учун бир гуруҳ аёллар фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотлансин:

**"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси" фахрий унвони билан**

**Абдурахимова Фарида Юлдашевна** — Ўзбекистон Республикаси Вазирано Маҳкамаси ҳузурдаги Дин ишлари бўйича кўмитанин хотин-қизлар билан ишлаш бўлими бошлиғи

**Атаниязова Орал Аминовна** — Қорақалпоғистон тиббиёт институти ректори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси

**"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими" фахрий унвони билан**

**Усмонова Мунаввархон Абдухоқимовна** — "Соодат" журнали бош муҳаррири

**"Фидокорона хизматлари учун" ордени билан**

**Ахмедова Фаридаҳон** — меҳнат фахрийси, Наманган вилояти **Закирова Гавхар Акмаловна** — Ўзбек Миллий академик драма театри актрисаси

**Ходжаева Раъно Умаровна** — Тошкент давлат шарқшунослик университетининг Шарқ мамлакатлари адабиёти ва қиёсий адабиётшунослик кафедраси профессори

**Хожиева Ойдин** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира

(Давоми 2-бетда) ▶

### Ҳуқуқий саводхонлик

## Айбга иқрорлик бўйича келишув

қонунчиликдаги янги институтнинг афзалликлари

Шу йил 18 февралдан бошлаб Ўзбекистон миллий процессуал қонунчилигида айбга иқрорлик тўғрисида келишув институти амалиётга жорий этилди. Мамлакатимиз жиноят-процессуал қонунчилиги тарихида мулақо янги ҳисобланган ушбу институт АҚШ, Европа ва МДХ мамлакатларида кенг қўлланиб келинади.

(Давоми 3-бетда) ▶



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ҳақиқатан ҳам, Олий Мажлисга бўлиб ўтган охириги сайловлар натижа-сида биринчи мартабада Ўзбекистон парламентида аёллар сони бўйича БМТ тавсиялари (камида 30 фоиз) тўлиқ бажарилди.

Кейинги тўрт йилда мамлакатимизда "Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар қафолатлари тўғрисида"ги ва "Хотин-қизларни тазийк ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди.

Биргина ўтган йилда хотин-қизларнинг ҳукумат ва жамиятдаги ролини ошириш, уларнинг бандлигини таъминлаш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш ва муҳтож аёлларни қўллаб-қувватлашга қаратилган 15 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган ҳам аёлларга бўлган муносабатнинг юқори даражасидан далолатидир.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ўтган йилдан бошлаб ижтимоий ҳимояга муҳтож қизларнинг билим олиш имкониятлари янада кенгайтирилиб, олий таълим муассасаларига 4 фоизли давлат грантлари ажратилди. Мазкур янги тизим асосида 950 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож қиз ўқишга қабул қилинди. Барча ва-зирлик ва идораларда гендер тенглик масалалари бўйича маслаҳат кенгашлари фаолияти ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси ҳамда Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси фаол ишламоқда. Янада муҳими, Президентимиз парламентга тақдим этган Мурожаатномасида Сенат Раиси раҳбарлигида Республика Хотин-қизлар жамоатчилиги кенгашини ташкил этиш вазифасини кун тартибига қўйди.

Бугунги кунда 1 минг 400 нафарга яқин аёл республика ва вилоятлар, 43 мингдан зиёди туман ва шаҳарлар даражасидаги раҳбарлик лавозимларида ишлаб келмоқда. Ушбу далил ва рақамларнинг ўзи ҳам юртимиз аёлларининг жами-

Эътироф

Аёл — эъзоз ва эътиборга лойиқ зот

ятда ҳақиқий ўрнини эгаллаб бораётганининг исботидир.

Шонли тарихимиз зар-варақларида Тўмарис ва Бибиҳоним, Гулбаданбегим ва Зобуннисо, Нодирабегим ва Анбар отин каби оқила момоларимизнинг муборақ номлари мангуга муҳрланган. Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий "Насойим ул-муҳаббат" тазкирасининг "Эркеклар мартабасига етган ориф аёллар зикри" номли фаслида мозийдан то ўз давригача яшаб ўтган ёки ўзига замондош бўлган ислом оламида машҳур 35 нафар шайх, орифа хотин-қизларнинг руҳияти, шариати, тарикати, ижодлари хусусида лавҳалар битган.

Алишер Навоий бобомизнинг "Фарҳод ва Ширин" достонида таъриф-

латор йигилишида белгилаб берган вазифалар ниҳоятда долзарб ва муҳим. Бугун замоннинг ўзи барчамиздан юртимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасидаги ислохотларнинг нафақат иштирокчиси, балки ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши, бошқаларга намуна кўрсатишни талаб этмоқда.

Давлатимиз раҳбари "Олий маълумотли бўлиши истаган, қобилияти, билими бор, лекин тақдир тақозоси билан орзусига эриша олмаган хотин-қизларни рағбатлантириш тизими жорий қилинади. Яъни, ота-онасининг биридан айрилган муҳтож қизлар, боқувчиси йўқ ёлғиз аёлларнинг шартнома тўлови ҳокимлик ва олий ўқув юрти



қишлоқ ҳўжалиги каби соҳалардаги олимларнинг интеллектуал меҳнати самаралари нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам юксак баҳоламоқда. Ўзбекистон Фанлар академияси хузуридаги илмий инсти-

ту билан бирга, юртимизда аёлларнинг тадбиркорлиги, ташаббуслари қўллаб-қувватланаёпти. Ўтган йил 585 минг нафарга яқин хотин-қизларнинг бандлиги таъминланган, 36 минг нафардан ортиқ аёллар касб-ҳунарга ўқитилган.

Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва манзилли ҳал этиш мақсадида "Аёллар дафтари" жорий этилди. Ушбу дафтарга 9 та мезон асосида 433 минг нафар хотин-қиз киритилиб, электрон база шакллантирилди. Бугунги кунгача 80 минг нафарининг муаммолари ҳал этилган.

Шу кунларда 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан юртимизда яна бир эзгу аънана давом этмоқда. Яъни билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолган ва оқибатда озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган маҳкумаларнинг жазосини енгиллаштириш чоралари кўриломоқда.

Хусусан, куни кеча Олий судда оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этиб, турли муддатларга озодликдан маҳрум этилган 16 нафар маҳкума аёлнинг касасица тартибиде берган шикоятлари кўриб чиқилди. Шундан 14 нафар маҳкума байрам арафасида озодликка чиқарилади, яна 2 аёлнинг жазоси енгиллаштирилди.

Хулоса қилиб айтганда, кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларга мос ҳолда, оналаримиз, опа-сингилларимиз, умр йўлдошларимиз, қизларимизнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеи янада оширилиб, иззат-икромий жойига қўйилмоқда.

Зотан, аёлни эъзозлаш, унга эҳтиром кўрсатиш халқимизга хос буюк фазилат бўлиб, Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, "Аёлга бўлган ҳурмат-эътибор — бу аввало оилага, жамият келажагига бўлган ҳурмат-эътибор инфодасидир".

Фулум МИРЗО,  
Ўзбекистон  
Республикасида  
хизмат кўрсатган  
журналист



Бағрикенглик

Олий судда маҳкума аёллар озодликка чиқарилди

◀ (Бошланиши 1-бетда) Оғир жиноятларни со-дир этган маҳкума аёллар қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлган ҳолда Президентимиздан, халқимиздан кечирим сўради.

Судда иши кўрилган Ш.Сувонова аслида 2025 йил 9 сентябрда озодликка чиқиши керак эди. У Тожикистондан гиёҳвандлик моддасини контрабанда йўли орқали олиб келишга буюртма бериб, келтирилган 9,6 килограммдан зиёд "опий"ни хонадони ертўласига яшириб қўйган. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи

органлар ходимлари ўтказган тезкор тадбирда эса, ушбу ҳолат фош этилган. Шу тарихқа манфур режа охирига етмаган. Қарийб ўн килограмм гиёҳвандлик воситаси сотилганида минглаб одамлар оғу билан зарланган бўларди.

Жазони ижро этиш муассасасида бундай жиноят содир қилган шахсларга қилмишларининг оқибати тушунтирилиб, зарур тарбиявий ишлар олиб борилади. Хатосидан тўғри хулоса чиқарган шахсларгина муддатидан олдин озодликка чиқарилиши учун тав-



сиялар берилган.

Суд ажрими билан со-дир этган жинояти учун тайинланган жазонинг асо-сий қисмини ўтагани, қил-

лаштирилиб, жазодан озод қилинди. Улар оиласи, яқинлари бағрига қайтди. Шунингдек, 2 нафар маҳкума аёлга тайинланган жазолар енгиллаштирилди.

Тадбирда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Феруза Эшматова иштирок этиб, судда кўрилган ишлар бўйича ўз фикрини билдирди. Бундай тадбирлар инсонпарварлик намунаси эканини эътироф этди.

Озодликка чиқарилган аёлларнинг келгуси ҳаёти, уларнинг ишга жойлашиши, жамиятда ўз ўрнини эгаллаш борасида кўмаклашиш зарур. Омбудсман бу жараёнларни мониторинг қилиб боради.

Норгул АБДУРАИМОВА,  
ЎЗА

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳуқуқшунослик фани олдига бир қатор долзарб вазифаларни қўйди.

Жиноят, жиноят-процессуал қонунчилиги тизимида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган, жиноят ишлари бўйича суд-гача ва суд жараёнида қонунийликни таъминлашга тўқинлик қилувчи ҳуқуқий бўшлиқларни аниқлаш, халқаро амалиётда эътироф этилган ва инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиб келаётган жиноят-ҳуқуқий институтларни амалиётга жорий этиш масалалари шулар жумласидандир.

Жиноий ишларни қисқартирилган тартибда қўриш борасидаги жаҳон амалиётда мавжуд ижобий иш юретишининг миллий процессуал қонунчиликка жорий этилиши фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш борасидаги замонавий механизмлардан биридир.

Жиноят-процессуал қонунчиликка жорий этилган айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувнинг бош мақсади — давлат айбловчисининг айбланувчи-

ларида ҳам келишув институтидан самарали фойдаланилади. Бунинг асосий сабабларидан бири шунки, ушбу мамлакатларда ҳар қандай процессуал жараён тарафлар тортишуви асосида ечим топиши, иш юзасидан тортишув ва фикрлар жилма-хиллиги бўлмаган ҳолатда жиноят иши юритуви ҳам бўлмастлигини инobatга олиб, мазкур мамлакатларда тарафлар ўртасидаги келишувга ҳар қандай босқичда йўл қўйилади.

Айнан айбланувчи томонидан айбнинг тан олиниши (guilty plea) унинг ижтимоий ҳавфи қилмиши юзасидан суд муҳокамасидан воз кенганини билдиреди. Айбланувчи айблов органи билан келишув (plea bargaining) имзолаши ҳам мумкин.

Мазкур келишув айбланувчига бир қатор юридик имтиёзлар беради. Яъни:

- айблов доираси қисқартирилиши ёки ундан айрим эпизодларнинг чиқарилиши ва квалификациянинг енгилроқ томонга йўналтирилиши;
- жазо ҳажми, миқдори ва ўташ тартибининг қонунда кўрсатилганидан ҳам енгилроғи тайинлиши.

Очиқ суд мажлисида айбланувчи-

Ҳуқуқий саводхонлик

Айбга иқрорлик бўйича келишув

қонунчиликдаги янги институтининг афзалликлари

ни содир этган жинояти юзасидан иқрорлиги асосида судда енгилроқ жазо тайинланишига эришиш, шу билан бирга, қўллаб сансалорликларга сабаб бўладиган узок давом этувчи суд жараёнларини қисқартиришдир.

Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув, жиноят ишини юриштириши ўзига нисбатан қўйилган гумонга, айбловга рози бўлган шахс ва прокурор билан тузилади. Бунда гумонланувчи ёки айбланувчи жиноятнинг очилишига фаол кўмаклашган ва келтирилган зарарни бартараф этган бўлиши лозим.

Бундай келишувлар ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятлар бўйича тузилади. Аслида, "келишув" сўзининг маъноси ҳам икки келишаётган томоннинг ўзаро қулай ва манфаатли мақсадлар марказини топишини аналтади. Жиноят-процессуал қонунчиликда мазкур сўз айбланувчи билан давлат тимсолидаги қонун, адолат билан келишувни ифодалайди.

Буюк Британия судлов тизимида ўрта асрлардаёқ қўлланила бошлаган мазкур институт кейинроқ АҚШ қонунчилигига кириб келди. Ҳозирги кунда айнан АҚШ процессуал қонунчилик тизимида ундан самарали фойдаланилмоқда. Хусусан, 2019 йил давомида АҚШ федерал судларининг 95 фоиз ишлари келишиш асосида ўз ечимини топган. Буюк Британияда эса, бу кўрсаткич камроқ нисбатини ташкил этади, яъни магистрат судларда кўрилган ишларнинг 87 фоизи келишув асосида тугалланади.

Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув институтининг самарали жиҳатлари:

- ўзаро зиддиятда бўлган томонлар муносабатларининг тез орада юмшashi;
- айбланувчи ёки судланувчининг айбига иқрорлик билдиришга тайёрлиги, жазони ўтай бошлаши;
- судлов ва айблов органларининг вақт ва маблағлари тежалиши;
- айблов органлари ўз вақтинги оғир жиноятларни очишга қаратиши ва судларда жиноят ишларини кўри-лишининг қамайишига олиб келиши билан белгиланади.

Шуни таъкидлаш жоизки, АҚШ судлов тизимида айбланувчининг айби исботланишининг бош шартини унинг ўз айбини тан олишидир. Бинобарин, англосаксон ҳуқуқ тизими жиноят ишлари юритувида ис-ботлаш методлари кўп ҳолатда рас-миятчиликни, катта молиявий маб-лагни ва вақт борасида катта хара-жатларни талаб этиши билан кескин фарқ қилади.

Шу аснода айбланувчининг ўз айбини тан олиши кўп ҳолларда узок давом этадиган тергов ва суд босқич-ларини қисқартиришда, оворагарчи-ликларнинг олдини олишда айбла-нувчининг ўзига нисбатан ҳам кўп ҳол-ларда самарали процессуал ҳаракат ҳисобланади.

Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув институти, айрим олимларнинг фикрича, муайян салбий жиҳат-ларга ҳам эга. Бу омилар жиноят процессини юритувчи мансабдор шахслар, жумладан, тергов органла-рининг айбини "ҳар қандай ҳолатда тан олдиришга интилиши" натижаси-да айбланувчи ўзини ўзи ёлгон айб-ланувчига айилган, жиноят содир этган шахснинг жазосиз қолиб кети-ши, шунингдек, содир этилмаган жи-ноят учун айблов эълон қилиш ҳолат-ларида намoён бўлади.

Шу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида мамлакатимизда айбга иқрорлик келишуву суд томонидан кўриб чиқилгандан сўнг тасдиқ-ланади.

Бунда суд келишув гумон қилинув-чи, айбланувчи томонидан иштирий равишда тузилган-тузилмагани, келишувнинг мохияти ва шартларини тушунган-тушунмагани, унинг оқибат-ларини англаб етгани, судланувчи-нинг ўзи шахсан келишувни қўллаб-қувватлашини аниқлайди.

Англосаксон ҳуқуқ тизими давлат-

га унинг барча ҳуқуқ ва мажбурият-лари тушунтирилади. Имзолаётган келишув иштирий тузилганига ишонч ҳосил қилиш учун унга савол-лар берилади.

Суд айбланувчига мазкур келишув-ни рад қилиши мумкинлигини ту-шунтиради ёки айбланувчи шахси-га оид маълумотларни тўлиқ ўрганиб чиқиш учун жиноят ишини кўришни қолдиради.

Шунингдек, суд тарафлар тақдим этган далилларни тўлиқ текширади. Яъни судлов тизими келишувни ав-томатик тарзда қабул қилиб, у юза-сидан бир хил хулоса чиқармайди.

Россия жиноят-процессуал қонун-чилигига ҳам келишув институти янги институт сифатида киритилган ва амалиётда самарали ишламоқда. Россия Федерацияси Жиноят-про-цессуал кодексининг 40-бобиде ай-бланувчига эълон қилинган айбга нисбатан иқрорлиги ва розилиги юзасидан ўтказилган суд мажли-сининг алоҳида тартиби мавжуд.

Ушбу нормада айбланувчининг ай-бига иқрорлиги юзасидан аризаси ва суд муҳокамасисиз ҳукми чиқариш юзасидан келтирилган илтимоснома-ни мазмунидан ҳал қилиш тартиби қайд этилган. Бундай ҳолатда суд тер-говни ўтказилмайди.

Айбга иқрорлик бўйича келишув-нинг ярашув институтига хос жиҳат-лари мавжуд. Яъни иккала ҳолатда ҳам миллий қонунчилигимизга асосан жабрланувчи ёки фуқаровий даъво-гар бу жараёнда иштирок этади ва гумон қилинувчи ёки айбланувчи то-монидан етказилган зарарнинг бар-тараф этилгани ҳолатига ойдинлик киритилади.

Буюк ярашув институтида кели-шув судланувчи ва жабрланувчи ўр-тасида амалга оширилиши, айбга иқ-рорлик бўйича келишувда айбланув-чи ва давлат тимсолидаги қонун, адолат билан келишув тушунилиши лозим.

Шу ўринда АҚШ судлов қонунчи-лиги асосида айбланувчи ёки судла-нувчи томонидан айбга иқрорлик келишувни имзоланганида жабрла-нувчи, фуқаровий даъвогарнинг ма-нафаатлари қай даражада ҳимоялан-гани масаласига мухтасар тўхталиш лозим.

Мазкур давлат қонунчилигига қўра, келишув тузиш жараёнида жабрла-нувчи, фуқаровий даъвогарнинг ма-нафаатлари акс эттирилмаган. Содда қилиб айтганда, ушбу жараёнда жабрланувчи, фуқаровий даъвогарнинг розилиги ёки қаршилиги кели-шувни амалга оширишда деярли инobatга олинмайди. Жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарга етказилган зарарни қоплаш чоралари ҳам маз-кур келишув юзасидан чиқарилган суд ҳукмида ўз аксини топмайди.

Миллий қонунчилигимизда эса, бу масалага Шарқ менталитетидан келиб чиқиб ёндашилди. Натижада жабрланган тараф ёки фуқаровий даъвогарнинг фикри бундай кели-шув тузишда муҳим шартлардан би-рига айланади.

Миллий қонунчилигимизга биноан жиноят иши суриштирувчи, тергов-чи, прокурорнинг айбга иқрорлик бўйича келишуву судга келиб туш-ган пайтдан эътиборан бир ойдан ке-чиктирмай қўриб чиқилади. Келишув тасдиқланган ҳолларда суд айблов ҳукми чиқариб, жазо тайинлайди.

Буюк жиноят бўйича тайинлана-диган жазо муддати ёки миқдори Жиноят кодексининг тегишли мод-дасида ёки қисмида назарда тутил-ган энг кўп жазонинг ярмидан ошма-лиги керак.

Хулоса қилиб айтганда, халқаро майдонда самарали фойдаланилаёт-ган процесуал институтларнинг ма-млакатимиз жиноят, жиноят-про-цес-суал қонунчилигига киритилиши, ўз навбатида, инсон ҳуқуқлари, эркин-ликлари ва қонуний манфаатлари ҳимояси янада юксак поғонага кўта-рилишида муҳим омил бўлади.

Шухрат АҲМЕДОВ,  
Наманган вилояти суди судьяси,  
Наргиза ШАРИПОВА,  
Жиноят ишлари бўйича  
Наманган тумани суди судьяси

**Мамлакатимизда судлар мустақиллиги таъминланиши натижасида ўтган йили 719 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилди. Улар орасида фарғоналик Иброҳим Тожибоев ва Нодиржон Носиров ҳам бор.**

Иброҳим Тожибоев "FAR-G'ONA NEFT BAZASI" унитар корхонаси раҳбари, Нодиржон Носиров эса, корхонанинг нефть маҳсулотларини етказиб бериш бўлими бошлиғи вазифасида ишлаган. Улар жиноят ишлари бўйича Бувайда тумани судининг 2017 йил 16 январдаги ҳукмига биноан судланишган.

Суд ҳукмида қайд этилишича, икки ҳамкасб мансаб ваколатларини суистеъмол қилган ҳолда 2015 йил декабрь ойдан 2016 йил июль ойига қадар "DIZEL GRANT FAYZ" масъулияти чекланган жамиятига 300 тонна 42 килограмм, "MANNON OIL PRODUCT" масъулияти чекланган жамиятига 73 тонна 770 килограмм, "FISH PETROLEUM" масъулияти чекланган жамиятига 378 тонна 285 килограмм, "Katoily+MR" масъулияти чекланган жамиятига 11 тонна 450 килограмм монопол маҳсулот бўлган техник мойни биржа котировка нархларига нисбатан паст нархларда сотишган.

Бу ҳаракатлари билан улар Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сонли қарори билан тасдиқланган "Моддий-техника ресурсларининг стратегик турларини сотишнинг махсус тартиби тўғрисида"ги Низом ҳамда 2011 йил 21 июнда қабул қилинган "Маҳсулотларнинг монопол турларини товар-хомашё биржаси орқали сотиш рўйхатини янада кенгайтириш ва ҳажмларини кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 185-сонли қарори талабларини қўпол равишда бузган ҳолада унитар корхона маъмулатларига 1.569.447.900 сўм миқдоридан зарар етказганликда айбдор деб топилган.



**Оқлов**  
**Юзёруғлик**

Суд корхона раҳбарини 1 йил, бўлим бошлиғини эса, 2 йил муддатга моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, ҳар бирига энг кам иш ҳақининг уч юз баравари (39.072.000 сўм) миқдоридан жарима жазоси тайинланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бошланган кенг қўламли суд-ҳуқуқ ислохотлари муқаддам ноҳақ судланган ҳамюртларимиз сингари Иброҳим Тожибоев ва Нодиржон Носировга ҳам катта умид бағишлади. Улар асосан суднинг айбланганини билдириб, Олий судга мурожаат қилишди. Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2019 йил 23 декабрдаги ажримига асосан жиноят иши куйи инстанцияларга янгидан кўриш учун юборилди.

Апелляция суди мажлиси-

да дастлабки тергов органи ва биринчи босқич суди Иброҳим Тожибоев ва Нодиржон Носировга жазо тайинлашда Жиноят-процессуал кодекси ҳамда Олий Суд Пленумининг тегишли қарорлари талабларига амал қилмагани аён бўлди. Хусусан, текшириш ҳулосаларининг қайси асосларга биноан ишончга сазоворлигини қўшимча далиллар тўплаш орқали текширмасдан, текшириш далолатномалари ва гувоҳ М.Маматов кўрсатмасининг ўзгина уларни айблаш учун этирғили далил бўла олиши ёки йўқлигига ҳуқуқий баҳо бермаган. Қолаверса, ҳар иккала судланувчинини гувоҳлар Б.Турсунов, Ш.Жамолов, А.Исматуллаев ва А.Божоновнинг кўрсатмаларини ҳисобга олмасдан, факат тахмин ва фаразларга асосланган ҳолда айбдор деб топган. Бу билан суд жиноят ишини юретишининг Жиноят-процессуал кодексида белги-

ланган ва барча судлар учун ягона ҳамда мажбурий бўлган ҳақиқатни аниқлаш ва айб-сизлик презумпцияси талабларини бузган.

Бундан ташқари дастлабки тергов органи ва суд гувоҳларнинг кўрсатмалари ҳамда бошқа тақдим қилинган ҳужжатларни ишончга сазовор далиллар билан ҳақиқатга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслигини аниқламай, асослангирмаган ҳужжатли тафтиш юзасидан тузилган ҳулосаларни нима сабабдан мақбул далил деб эътироф этганини ёритиб бермаган.

Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддасида гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишида айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айб-сиз ҳисобланиши, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судла-

нувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмаслиги, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари туганган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши, қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши, 83-моддасида эса, иш кўзга тутилган ва тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамаси ўтказилган иш бўйича жиний ҳодиса юз бермаган бўлса, унинг қилмишида жиний таркиби бўлмаса, содир этилган жиноятга дахли бўлмаса, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи айбсиз деб топилуши ва реабилитация қилиниши белгиланган. Ана шу асосларга таянган жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти суди жиноят ишлари бўйича Бувайда тумани судининг 2017 йил 16 январдаги ҳукмини бекор қилиб, И.Тожибоев ва Н.Носировни Жиноят кодексининг 205-моддаси 2-қисми "а" бандларида мувофиқ айбсиз деб топиб, оқлади. Бундан ташқари уларга реабилитация қилиниши муносабати билан етказилган мулкрий зийнни қоплаш ҳамда маънавий ва бошқа зийн оқибатларини Жиноят-процессуал кодексининг 304-312-моддаларида тартибда ҳал қилиш ҳуқуқи тушунтирилди.

Шу тариқа икки ҳамкасбнинг эл-юрт, кўни-қўшни, қавму қариндош ва ёру дўстлари орасида юзи ёруғ бўлди. Улар энди адолат тантанасини умр бўйи қалбларида ҳис қилишадди. Бу эса, Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилган кенг қўламли суд-ҳуқуқ ислохотларининг амалий ифодасидир.

**Фарҳоджон ГАНИЕВ,**  
*Фарғона вилояти суди раиси ўринбосари*  
**Хуршид СУЛТОНОВ,**  
*журналист*

**◀ (Бошланиши 1-бетда)**  
Суд соҳасида амалга оширилган ислохотлар мамлакатда ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш билан бир қаторда Президентимизнинг 2020 йил 2 июндаги фармонида белгиланган Ўзбекистон Республикаси учун устувор бўлган халқаро рейтинг ва индекслар бўйича самаратдорликнинг энг муҳим кўрсаткичлари (КРП)га эришиш орқали мамлакатимизнинг халқаро майдондаги эътирофига хизмат қилади.

**Сайёр қабул**

**Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари Р.Маҳмудова Каттақўрғон шаҳрида сайёр қабул ўтказди.**



Сайёр қабулда асосан Каттақўрғон шаҳри ва Каттақўрғон туманида "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари"га қиритилган хотин-қизлар, тадбиркор аёлларнинг муаммолари тингланди.

Шаҳарнинг "Дўстлик" маҳалласида яшовчи С.Соҳибова турмуш ўртоғи хорижга ишлаш учун кетиб, қайтиб келмаётгани, ўзи рўзғор таъминоти ва фарзандлари таълим-тарбиясида қийналаётганини билдириб, эрини чет элдан қайтаришда ёрдам сўради. Бу масала билан ички ишлар бўлими шугулланганида бўлди.

Шу маҳаллада яшовчи Э.Халилова эса жазони ижро этиш муассасасида жазони ўтаб қайтган ўғлини ишга жойлаштириш масаласида мурожаат қилди. Ишсиз фуқаро бандлигини таъминлаш шаҳар ҳокимлиги зиммасига юланди.

"Ҳайдарчаман" ва "Баҳористон" маҳаллаларида яшовчи Г.Қаҳқорова, М.Ка-

молова, П.Бахтиёровнинг оилавий келишмовчиликлар масаласида мурожаати шаҳар ҳокимининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси томонидан жойида ўрганилиб, ижобий ҳал этишга келишилди.

Суд идоралари фаолияти билан боғлиқ масалалар шу ернинг ўзидан мутасаддилар иштирокида ҳал этилди. Каттақўрғон шаҳридаги маҳаллаларда яшовчи, "Ёшлар дафтари" ва "Аёллар дафтари"да рўйхатга олинган бир гуруҳ хотин-қизларнинг хонадонига бориб, уларга байрам совғалари улашди.

**Фуқаро Шароф Файзикулов (исм-шарифлар ўзгартирилган) кам таъминланган оила бошлиғи сифатида 2018 йилнинг 25 апрелида туғилган тўртинчи фарзандига икки ёшга тўлгунига қадар нафақа тайинлашни сўраб маҳалла фуқаролар йиғини раиси Нурали Эшмаматов номига ариза ёзди.**

Орадан кўп ўтмай маҳалланинг нафақа тайинлаш бўйича ишчи гуруҳи Ш.Файзикуловнинг уйига келиб, оила аъзоларининг яшаш шароити, ойлик даромади каби ҳолатларни ўрганиб чиқади ва нафақа тайинлаш мумкин, деган ҳулоса беради. Шундан сўнг болага икки ёшга тўлгунига қадар нафақа тайинланиб, онаси С.Хусанова номига очинган пластик картага банк муассасаси орқали ҳар ойда нафақа пули тўлана бошланади. Бироқ орадан кўп вақт ўтмай нафақа пулини тўлаш тўхтади. Ш.Файзикулов маҳалла фуқаролар йиғини раиси Нурали Эшмаматовга бунинг сабабини сўраб, кўнгирик қилади.

— Менга бир ойлик нафақа пулини бермадингиз, — деб жавоб беради раис. — Шунинг учун нафақа тўлаш тўхтади кўйилди. Агар пулни берсангиз, қолган ойлар учун ҳам нафақани чиқариб бераман. Ун тўрт ёшгача нафақа тайинлаш қўлимда...

Раиснинг очичка таъмағирлиги Шарофни каловлантириб қўяди. Салдан сўнг шоша-пиша неча сўм бериш кераклигини сўрайди.

— "Харажат" учун 350 минг сўм берсангиз етарли — деб жавоб беради раис.

Шу ўринда Н.Эшмаматовнинг маҳалла раиси сифатида фаолияти нисбатан иборат эканига эътибор қаратсак, "Фуқаролар йиғини тўғрисида"ги намунавий низомга асосан маҳалла фуқаролар йиғини раисларига, хусусан, Нурали Эшмаматовга ҳам бир қатор ваколатлар берилган.

Улар жумласига фуқаролар йиғини ва унинг органлари томонидан ўз ваколатларини амалга ошириш, қарорларни ижро этишга доир ишларни ташкил қилиш, фуқаролар йиғини маблағларини қонун ҳужжатларига мувофиқ тасарруф этиш, кам таъминланган оилалар, етим болалар, ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, шунингдек, табиий офатлардан ва техноген хусусиятли фақуллолда вазиятлардан жабр кўрган фуқароларнинг моддий ва уй-жой, маиший шароитла-

**Коррупция — хавфли иллат**



**Суистеъмол бўлган Ваколат**

Н.Эшмаматов ўзига берилган ваколатлардан гараз мақсадда фойдаланган. У 350 минг сўми пора тариқасида берган тақдирда нафақа тайинлашни маълум қилиб, қасддан фуқаро Ш.Файзикуловни пора беришга мажбур этадиган шароитга туширган. Маҳалла оқсоқоли пора талаб қилганидан ночор қолган Ш.Файзикулов жуда кўп ўйлайди. Охир-оқибат у Бош прокуратура ҳузуридаги иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаментининг Хатирчи тумани бўлимига ариза билан мурожаат қилади. Аризасида Н.Эшмаматовга нисбатан қонуний чора кўриш ва ўтказилаётган тадбирда шахсан иштирок этишини сўрайди.

Фуқаронинг аризаси асосида Департаментнинг туман бўлими ҳамда туман ИИБ ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган тадбир давомида мазкур келишувдан хабари бўлмаган маҳалла фуқаролар йиғини масъул котиби Ш.Даминов орқали Н.Эшмаматов туман почта алоқа тармоғи биноси олдида кимёвий ишлов берилган 350 минг сўмни таъмағирлик йўли билан Ш.Файзикуловдан олаётган вақтда ашёвий далиллар би-

мансабдор шахс бўлгани ҳолда ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб, Ш.Файзикуловдан нафақа тайинлаш учун таъмағирлик йўли билан Ш.Даминов орқали 350 минг сўм пора олганликда ифода қилинган жиний ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Жиноят кодексининг 210-моддаси 2-қисми "в" банди билан тўғри малакаланган, деб ҳисоблади.

Суд жиноят ишини мазмунан кўриш жараёнида қонун талаблари ва Олий суд Пленумининг юқоридаги раҳбарий тушунтиришларига асосланди. Судланувчи Н.Эшмаматов Жиноят кодексининг 210-моддаси 2-қисми "в" бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилди, суд залидан қамоққа олинди. Суд ушбу модда билан судланувчига Жиноят кодексининг 57-моддасини қўллаб, икки йил муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм чиқарди. Суд ҳукми билан Н.Эшмаматов бир йил олти ой муддатга моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинди.

Мамлакатимизда жамият тараққиёти, халқ фаровонлиги ва юртимиз раванкага раҳна солувчи, маънавиятнинг емириб, миллий кадриятларини, одоб-ахлоқ нормаларини паймол этувчи коррупция иллатига қарши қатъий кураш олиб борилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йилнинг 29 декабрь кунги Олий Мажлисга Мурожаатномасида "...коррупциянинг ҳар қандай кўринишига муросасиз бўлиш кундалик ҳаёт тарзимида айлануши шарт. Бу иллатга қарши курашишга барча давлат органлари, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, умуми, ҳар бир фуқаро сафарбар этилиши зарур", — дея таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, фуқаролар коррупциянинг ҳар қандай ҳолатига муросасиз муносабатда бўлсагина жамиятимизда ушбу иллатнинг пайи қирқилади.

Авазжон ИБОДОВ, жиноят ишлари бўйича Навбахор тумани суди раиси Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ, "Куч — адолатда" муҳбири

**Судьялар фаолияти халқаро ташкилотлар эътиборида**

**Урганч шаҳрида Хоразм вилояти суғи судьялари учун тизимдаги янгиликларни амалиётга татбиқ этиш ва мавжуд муаммоларни биргаликда муҳокама қилиб, ечимини топиш бўйича семинар ўтказилди.**



"Қонунчиликдаги янгиликлар ва долзарб масалалар" мавзусидаги семинар Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги ҳамкорлигида БМТ Тараққиёт дастурининг қўшма лойиҳаси асосида ташкил этилди. Унда халқаро ташкилотларнинг юртимиздаги вакиллари, Хоразм вилояти суди раиси, судья ва ходимлар иштирок этди.

Сўнгги йилларда юртимизда суд-ҳуқуқ тизимидаги қонун ҳужжатларига қиритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар орқали одил судловни амалга ошириш жараёни янада такомиллаштириш мақсад қилинган.

Маърузачилар суд ишларини юретиш соҳасидаги қонунчилик ва суд қарорларини қайта кўриш институтларидаги янгиликлар ва процессуал кодексларга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар бўйича маълумот беришди.

Семинарнинг очиқ мулоқот тарзида ўтгани тизимдаги янгиликларни судьялар фаолиятида қўллаётган тажрибаларини ҳамкасблари билан ўртоқлашишга имкон берди.

Иштирокчилар жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни оширишга, суд ҳақида жамоатчиликда ижобий ижтимоий фикр шаклланишига ҳисса қўшиш мақсадида ташкил этилган Судьялар клубининг онлайн форуми мавзулари билан ҳам таништирилди.

Семинар якунида БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг Судьялар ва адвокатлар мустақиллигини таъминлаш бўйича маърузачиси Диего Гарсия-Саянинг мамлакатимизга 2019 йилги таширфи якунлари ҳақидаги маърузасида қайд этилган тавсиялар ва уларни ҳаётга татбиқ этиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

**ЎЗА материаллари асосида тайёрланди.**

**Куч — адолатда**

**МУАССИС:**  
**Ўзбекистон Республикаси Олий суди**

**Бош муҳаррир:**  
**Шодикул ҲАМРОЕВ**

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.



**ТАХРИР ХАЙЪАТИ:**

- Козимджан КАМИЛОВ
- Робохон МАХМУДОВА
- Халилullo ТУРАХУЖАЕВ
- Икрам МУСЛИМОВ
- Бахтиёр ИСАКОВ
- Холмўмин ЁДГОРОВ
- Зарифжон МИРЗАКУЛОВ
- Замира ЭСОНОВА
- Бобомурод РАЙИМОВ

**Навбатчи муҳаррир:**

- Сардор ҲАМРОЕВ
- Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
**Манзиллими:** Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй  
**Тел.:** (0 371) 241-01-56, 239-02-54  
**E-mail:** kuch-adolatda@mail.ru  
Нашр индекси: яқка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.  
Бюртма: Г-315 Қўғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ, Сотувда эркин нархда. Адади: 7610  
1 2 3 4 6 Топшириш вақти: 22<sup>00</sup>. Топширилди: 23<sup>00</sup>.